

## Волга давлат технология университети магистратура мутахассислигида таълим олишни истаганлар учун грант дастурини эълон қилади



Волга давлат технология университети ТИҚХММИ битирувчилари учун **“Ўрмон мажмуаси ва атроф-муҳитни бошқаришда халқаро ҳамкорлик”** деб номланган 2 йиллик магистратура дастурида таълим олиш учун грант дастурини эълон қилади.

**Ҳужжатлар жорий йил 28 июлга қадар онлайн тарзда қадар қабул қилинади.**

Талабгорлар август ойида ўтказиладиган онлайн имтихон-суҳбат асосида танлаб олинади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- ТИҚХММИнинг 4 босқичини тугатган ҳамда бакалавр дипломига эга бўлиши;
- рус тилини билиши;
- инглиз тилини ҳам билиши қўшимча устунлик/имконият беради.

Батафсил маълумотни қуйидаги ҳавола орқали олишингиз мумкин:

[https://www.volgatech.net/Jean\\_Monnet\\_centre/master\\_programmes/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-v-l-esnom-komplekse-i-prirodopolzovanii.php](https://www.volgatech.net/Jean_Monnet_centre/master_programmes/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-v-l-esnom-komplekse-i-prirodopolzovanii.php)

Ушбу танловда иштирок этишни ҳоҳловчи номзодлар жорий йилнинг 25 июлига қадар институтнинг Ердан фойдаланиш кафедраси таянч докторанти **Илҳом Абдурахманов**га телеграм орқали (<https://t.me/IlhomIsakovich>) мурожаат этишлари лозим.